Мардонов Аббор Нурфаизович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Маткаримов Жавлонбек Бозорбаевич — Хоразм вилояти Хонқа тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори

Машарипова Роза Курбанбаевна — Урганч ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

Мингиров Виктор Шауқолович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги

Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиги

Муминов Авазбек Улғубек ўғли — Андижон шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Мусаджонов Қобил Каримович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мустапақулов Одилжон Хошимович — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қўқон автомобиль мактабининг ўргатувчи устаси

Мухамедов Умиджон Закирджанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Напасов Аллоқул Хамроевич — Бухоро вилояти Қорақўл тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Нарқулов Мухамадали Уктамович — Тошкент шаҳар Бектемир тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиги

Неганова Галина Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим муҳандиси

Нурумбетов Қуат Кеулимжоневич — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазииятлар бошқармасининг кутқарувчиси

Оқолов Оманбай — Тошкент давлат юридик институти «Ҳўжалик ҳуқуқи ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқи» кафедраси профессори

Оспанов Бекбосин Салиевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Саидов Акмал Жўнабович — Қашқадарё вилояти Нишон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиги

Туланов Махаматиброҳим Азимович — жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди судьяси

Турғунов Махсудали Жураевич — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Турсунов Абдуазим Васикович — Ўзбекистон Лоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиги

Хамидов Аткам Адилевич — Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Хасанов Озод Абдимурадович — Тошкент вилояти Қибрай тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Холматов

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ

ислохотларнинг ҳудудлардаги самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди

ХАР БИР ДЕПУТАТ АВВАЛО ЎЗИ САЙЛАНГАН ҲУДУДНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ЯХШИ БИЛИШИ, ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШИ, АЙНИ ПАЙТДА, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТИШИ ЗАРУР. БУ ЖАРАЁНДА ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСЛАРИНИНГ БИРЛАШИШИ МУАЙЯН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР ШАКЛЛАНИШИДА ДОЛЗАРЪ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БУ ЭСА АВВАЛО, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ТИЗИМИ ВА ПУХТА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИГА БОҒЛИҚ. ЧУНКИ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ҲУДУДЛАРДА АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Шу боис қонунчиликда доимий комиссияларга тегишли ҳуқуқ ҳамда ваколатлар берилган. «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида»ги номунавий Низом тасдиқланган. Ҳўш, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар белгиланган ваколат ва меъёрий талаблар асосида фаолият олиб бораётганими? ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиши, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тadbиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси **ИБРОҲИМ ЁҚУБОВ** билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ўз фаолиятини намунавий Низом ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари регламенти асосида олиб боради, — дейди у.

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида доимий комиссияларнинг фаолияти бўйича тегишли режа тасдиқланади. Зарур ҳолларда бу режага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, доимий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларидан бири назоратдир. Бунда депутатлар қонун ва қарорлар, давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан ўз ваколатлари доирасида назорат-таҳлил ишларини амалга оширади.

Доимий комиссия йиғилишидаги муайян масала муҳокамаида ҳар бир аъзо овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланади, масалани тайёрлаш ва қарор қабул қилиш, шунингдек, унинг бажарилишини таъминлашда иштирок этади. Бундан ташқари, доимий комиссиялар муҳокама учун масалаларни тайёрлашда таркибда мутасадди ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари,

мутасадди ва олимлар бўлган ишчи гуруҳи тузиши ҳам мумкин.

— **Доимий комиссия мажлисларининг олиб борилиши ва унда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳақида тўхталсангиз?**

— Доимий комиссиялар мажлислари кун тартибига уларнинг ўз режаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши қарорлари асосида, аъзолар тақлифи, сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан ҳам масалалар киритилади.

Мажлислар одатда очик тарзда ўтказилади. Баъзи ҳолларда доимий комиссия мажлиси ёпиқ ёки сайёр тарзда ўтказишга ҳақли. Йиғилишларда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, давлат органлари, мутасадди идоралар, нодавлат ноотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-

роки этиши мумкин. Аммо улар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

— **Жорий йилда вилоят миқёсида ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари йиғилишларида қандай масалалар муҳокама этилди? Умуман, партиямиз депутатларининг бу борадаги фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

— Жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари Денов туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи «Тумандаги саноат корхоналарида маҳсулот таннариhini 10-15 фоизга пайаситириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масалани ўрганиб, туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик, аҳолига хизмат кўрсатиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масала-

Таъкидлаш жоизки, айрим доимий комиссиялар, ҳатто депутатлик гуруҳларида саноқли депутатлар фаолият кўрсатади. Оқибатда муайян муаммога ечим топиш бўйича амалий тақлифлар кам айтилади. Аслида ҳар бир депутат доимий комиссия иши кучайиши ва самарали бўлиши учун ҳисса қўйиши зарур. Шунда муҳокама этилаётган масалалар атрофлича таҳлил қилинади, камчиликлар ўз вақтида бартараф этилади. Шунинг учун партиямиздан сайланган депутатлар ўзлари аъзо доимий комиссиялар йиғилишларида фаол бўлишига эришишимиз зарур. Бу жойларда электротат манфаати самарали ҳимоя қилинишида, энг муҳими, ижтимоий-иқтисодий масалалар ечим топишида муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзбекистон овози» муҳбири **Лазиза ШЕРОВА** суҳбатлашди.

ЎзХДП ҳаёти

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ

хотин-қизлар саломатлиги, фаоллиги ва маънавий етуклигига боғлиқ

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА «ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛНИНГ ЎРНИ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, қанот аъзолари, касаба уюшмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, Жиззах шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази вакиллари иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизлар ва ёш оилаларни ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш, оилавий тadbиркорлик ва касаначилик билан шуғулланишининг афзалликларини тарғиб этиш ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ёш оилаларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёллар оғирини енгил қилиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади, — дейди «Фаол аёллар» қаноти Жиззах шаҳар бўлими етакчиси Шоира Фозилова. — Бу бевосита партиямиз дастурий мақсадлари билан ҳамоханг. Шу боис партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, жумладан, «Фаол аёллар» қаноти маҳаллалар, ёш оилаларга чу-

қур кириб бориши, муаммоларини ўрганиши зарур.

Анжуман давомида иштирокчилар ўртасида сўровнома ўтказилди.

Унда хотин-қизлар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктларининг аҳоли ҳақидаги саволларга жавоб беришди. Сўров натижалари депутатлар томонидан таҳлил этилиб, кўтарилган масалаларни бартараф этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.
Жамила ШУКУРАЛИЕВА

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН НАМАНГАН ШАҲРИДА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ.



Унда партиянинг вилоят кенгаши фаоллари, депутатлар, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

— **Электротатни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганишга астойдил ҳаракат қилаётган ва амалий ишлари кўламини кенгайтираётган сиёсий партиянинг тарафдорлари, хайрихоҳлари сафи ошади,**

— дейди ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев. — Бунинг учун электротат билан ишлашнинг самарали усулларидан фойдаланиш, жумладан, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилишнинг синналган усули — Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, ҳар бир муносабатга эътибор ва масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Семинар-тренингда электротат билан ишлашда сусткашликка йўл қўяётган туман партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар фаолияти танқидий таҳлил этилди. Бу борада ютуқларга эришаётган партия ташкилотларининг тажрибасини оммалаштиришга эътибор қаратилди.
Хуршид ФАЙЗИЕВ,
Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА.



ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Ҳабибулло РЎЗИМЕТОВ,
ЎзХДП Бектемир туман кенгаши раиси:

— Кейинги йилларда мамлакатни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилди. Сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайди. Демак, шу имкониятдан самарали фойдаланиш, маҳаллий Кенгашдаги партиямиз депутатлик гуруҳи орқали ҳудуд ривожига қаратилган ташаббусларни кўпайтириш, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш керак.

Ҳозир туманда партиямизнинг икки ярим мингдан ортиқ аъзоси 64 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Улар билан ишлашда сиёсий технологиялардан, ахборот-маърифат хоналари имкониятларидан фойдаланялмиз. Тадбирларни таъсирчан усулларда, юзаки ва қуруқ маърузалардан қочган ҳолда амалга оширишга интилялмиз. Айни кунда жойларда истиқлолимизнинг 21 йиллигига бағишланган давра суҳбат-

лари, семинарлар ўтказаялмиз. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ташкил этаётган тadbирларимизга депутатлар билан бирга эл суйган ижодкорлар, олимларни тақлиф қилаялмиз. Шунга яна бир бор амин бўлаялмизки, бугун одамларимизнинг дунёқараши, воқеа-ҳодисаларга муносабати ўзгарган. Айниқса, сиёсий-ҳуқуқий онги, билими юк-

салиб борапти. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиши, ислохотлар жараёнида бевосита иштирок этиши учун хизмат қилаяпти.

Равшан ИСОҚОВ,
Бектемир туманидаги «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Ижтимоий-сиёсий ислохотларни

изчил давом эттиришни ҳаётнинг ўзи олдимизга муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Биз бу жараёнларнинг кузатишчи эмас, балки бевосита фаол иштирокчилари бўлишимиз керак. Партия аъзолари билан ишлаш жараёнида бунга алоҳида эътибор қаратаялмиз.

Тadbирларда ҳар бир аъзонинг фикри, тақлифини инобатга олган ҳолда, вазифалар белгилаб оламиз. Айниқса, «Демократик ислохотларнинг янги босқичи ва унда партия ташкилотларининг амалий иштироки», «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли» мавзуларидаги давра суҳбатларимиз барчага манзур бўлаяпти. Муҳими, бу партиямиз аъзоларининг фаолиги, ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиши ошиб боришига замин яратаялмиз.

Шунингдек, тadbирда энг улуг, энг азиз байрамни муносиб нишонлаш, кўтаринкилик, уюшқоқлик билан ўтказиш, мустақиллик моҳияти, ҳаётимиздаги ўрнини изчил тарғиб этишда бошланғич ташкилотларнинг вазифалари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Азиза ЛАЗИЗ

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЭЛЕКТОРАТНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР

уларга ижобий ечим топишда энг аввало қуйи бўғин фаол бўлиши лозим

ПАРТИЯ ГОЯЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ЭЛЕКТОРАТНИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДА ЎзХДП ХЎЖАЙЛИ ТУМАН КЕНГАШИ ҚАТОР ИШЛАРНИ ОЛИБ БОРМОҚДА.

Ҳудуддаги 1564 нафар аъзони бирлаштирган 31 та бошланғич ташкилот бугун электротатни ўйлантираётган му-

аммоларни ўрганиш, ечимини топишда турли тақлиф ва ташаббуслар билан чиқаяпти, партия дастурий мақсадларини

ни амалга оширишда фаоллик кўрсатапти.

— Аҳоли орасига чуқур кириб боришнинг муҳим воситаси бу — бошланғич ташкилотлардир, — дейди **туман партия кенгаши раиси Махмуд Қочқоров.** — Шу боис уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, амалий ишларини янада кучайтиришга ҳаракат қилаялмиз. Энг фаоллари рағбатлантирилиб, тажриба-

ларини оммалаштиришни йўлга қўйганмиз. Бу борада «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли Хўжайли темир йўл шифонаси қишида тузилган бошланғич партия ташкилоти фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин.

— Бошланғич ташкилотимизга 17 нафар аъзо бирлашган, — дейди **БПТ етакчиси Жалғас Сатуллаев.** — Улар билан биргаликда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш бўйича тарғибот-ташвиот ишларини олиб борамиз. Бошланғич ташкилотимиз ташаббуси билан ёлғиз кексалар, ногиронлар, Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволашни ташкил этилмоқда. Шу орқали партиямиз дастурий вазифаларини амалга оши-

ришга ҳисса қўшаялмиз. Партиявий йиғилишларда бу каби ишлар кўламини кенгайтириш, тарғибот-ташвиотни янада кучайтириш борасидаги вазифаларни белгилаб оламиз. Шунингдек, ёшларни ўйлантираётган масалаларга депутатлар диққатини қаратиш, муаммоларга ижобий ечим топишда уларга амалий кўмак беришга ҳаракат қилаялмиз.

Шуни айтиш керакки, бошланғич ташкилотлар ҳудуддаги муаммоларни ўрганиб, юқори ташкилотларга олиб чиқса ва депутатлик гуруҳлари уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритса, одамларнинг партияга ишончи янада ортади. Бугун бошланғич ташкилот ва унинг етакчиларига қўйилган талаб ҳам шу, аслида.
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ

Мустақиллик имкониятлари



ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУҒ ЙЎЛЛАРИ

Йўл қурилиши, йўлга муносабат ва йўл бўйидаги одамлар хусусида

ХАЛҚИМИЗДА «УМРИНГДАН БИР СОАТ ҚОЛСА ҲАМ КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ, КЎПРИК ҚУР, ЙЎЛ СОЛ» ДЕГАН ҲАҚИКАТ БОР. «ЙЎЛГА НАРСА ТАШЛАМА» ДЕБ ЎГИТ БЕРИШАДИ КЕКСАЛАРИМИЗ. ЙЎЛГА ОТЛАНГАНГА «ҚАЕРГА БОРАЯПСИЗ?» ДЕБ СЎРАЛМАЙДИ БИЗДА, «ЙЎЛ БЎЛСИН!» ДЕЙИЛАДИ. ЙЎЛГА ЧИҚСАНГИЗ МИЖОЗ ЭМАС, «ЙЎЛОВЧИ»СИЗ, ҲАМРОҲЛИК ҚИЛСАНГИЗ «ЙЎЛДОШ» МАҚОМИНИ ОЛАСИЗ. КЕЛИНЛАРИМИЗНИНГ ОРАСТАЛИГИ ТОНГ-САҲАР КЎЧА ЮЗИ СУПУРИЛГАНИ БИЛАН БАҲОЛАНАДИ. ЙЎЛ — ХАЛҚИМИЗ УЧУН НАФАҚАТ МАНЗИЛГА ЭЛТУВЧИ ҲАРАКАТ ЙЎНАЛИШИ, У САВОБУ ПОКИЗАЛИК РАМЗИ, ЭЪТИҚОД ВА УЛУҒВОРЛИК ТИМСОЛИ, ФАРОВОНЛИК ВА САОДАТГА БОШЛОВЧИ ВОСИТА ҲАМДИР.

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли уларнинг биқинидан ўтаётганда Шўроб, Дарбанд, Оқробот каби ўнлаб қишлоқларда истиқомат қилувчи одамларнинг хаёлидан нималар ўтганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Тоғ ўрқачларини гоҳ айланчи, гоҳ ёриб ўтувчи бу қудратли излар уларнинг йўлга бўлган ҳурмат ва эътиқодини янада мустаҳкамлаб, гурурини ўстиришига ана шу тоғлар, қирлар, адирлар гувоҳ. Тоғу тошлар бағрига синган излар уларнинг қалбига ҳам йўл солиб, орзу-хаёлларини манзилига етаклаётганини дунё кўриб турибди. Бугун улар Термизга боришлари учун бир қадам босишлари керак. Қаршига ҳам шу йўл орқали кўз очиб юмгунча етиб олишади. Тошкентни азим ҳам анча берига силжайди. Йўл бўйида мактаблар, спорт иншоотлари, турар-жойлар қурилди, қуриляпти. Деҳқонobodдаги калий-йўлғитлар заводида 1,5 мингга яқин ишчи ишлайди. Уларнинг кўпи ана шу йўл атрофидаги одамлар, аксари ёшлар.

Сурхондарёликлар поезди йўли сабаб Тошкентга масофа 5 соат қисқарганини ўзларича хомчўт қилишади: бир ойда 150 соат бўлади. Демак, бир ойда бир ҳафта умр фойдага қолапти. Сурхонга кириб келаётган ва чиқиб кетаётган оқларга энди бу ҳисоб-китоби татбиқ қилса, темир йўлидай узун рақам чиқса керак...

Ишга тушган ва очилажак тоғ бағридаги конлар ҳам йўл атрофидаги одамларнинг рўзгорини обод қилишга хизмат қилади. Бу йўлнинг бир томони келажакка элтади. Дарвоқе, бундан 20 йил илгари темир йўл қурилиши, вагон-созлик ва кўприксозлик соҳасида кадрлар етишмаслиги, эҳтиёт қисмларнинг юз фоиз четдан келтирилиши каби муаммолар қуршовида қолган давлатимиз бугунги кунда бошқа ўлкаларда йўллар ва кўприклар қуриш салоҳиятига эга. Кечагина транспорт коммуникациялари қўшни республикалар худудидан ўтиши, Жанубда ҳам, Ши-

молда ҳам юк ва йўловчи поездларининг асоссиз ушлаб турилиши натижасида бировга қарам бўлмаган транспорт йўлини қуришга мажбур бўлган Ўзбекистон бугун халқаро транспорт коммуникацияларига, денгиз портларига чиқиш лойиҳаларини илгари сураяпти. Кеча вагон таъмирида бир гайкага муқтож қолган Ўзбекистон бугун мукамал темир йўл тизимига эришди. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга қарашли саннат қорхоналарида мустақиллик йилларида 900га яқин юк вағони қурилди ва 4000 атрофидаги вагон замонавийлаштирилди.

342 километр масофани бirlаштирган Навоий — Учқудук — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли асрий қумликлар гувоҳ бўлган энг улуг бунёдкорлик эди. Кечагина ҳатто от-улов билан бориш қийин бўлган овуллар ёнида темир йўл станциялари пайдо бўлди (биргина Навоий вилояти худудидаги станциялар сони 15 та). Улардан овулдагилар, чўпон-чўлик Шилмолга ҳам, Жанубга ҳам йўл олиши мумкин.

Одамларнинг ҳақиқий дастурига айланган бундай янги темир излар ўтган 21 йил ичида қарийб 1000 километри камраб олди. Термиз яқинидаги 114 километриқ темир йўли қурилишига собиқ иттифоқ даврида 9 йил сарфлангани инobatга олинса, мамлакатнинг бу борадаги шиддати, стратегияси анча ойдинлашади.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ўғли ва қизи ўқишга кириган Қамаш тумани Чим қишлоғида яшовчи Очил хола кўзига ёш олган эди: «Болаларима, яқинроқда ўқиш қуриб кетганимди, Тошкент дунёнинг бир чеккаси, йўл узок бўлса, соғинсам боролмасам...»

Холанинг кенжаси Фарҳод бугун Лондонда ўқияпти. Кеча болаларини Тошкентга ишонмаётган Очил хола бугун хотиржам. «Бораяпман, деб тилпон қилади, хаялламай уйга кириб келади. Тоғларди устидан самолёт билан кесиб ўтаркан-да». Хола Тошкентнинг қишлоқдан

ўзи ўйлаганчалик олис эмаслигини ҳам энди билди. Ҳозир таксига ўтириб, беш соат йўл юрса бўлди ўғлиниқига етади. Хола ҳам ўша пайт нотўғри ўйлаган — унда йўл ёмон, уллов кам эди-да, бўлмаганда бир ярим кун юриларди-да Тошкентга. Йўлга чиқиш учун бир ҳафта тайёргарлик кўриларди, йўл азоб эди-да... Йўл азобини, тоғортидаги Тошкентга етиб олиш қанчалик машаққат эканини ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Фаргона водийси аҳолиси ўз танларида синаб кўрди. Водийни мамлакат билан тоғ орқали боғлаб турувчи ягона илониз автомобиль йўли 50 йилларда асосан, ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, унда қишлоқ-қировли кунлар туғул, очиқ-сочин пайтда ҳам юриш жонни гаровга қўйиш билан баробар эди. Шу боис Тожикистон орқали юришга, у ердаги асоссиз тўхтатишлар, ушлаб туришларга чидашга мажбур эдилар.

Президентимиз томонидан Қамчиқ довоини бўйлаб замонавий автомобиль йўлини қуриш вазифаси қўйилди. Ниҳоят, 2268 метр баландиқдаги тоғлар бегрини кесиб ўтган йўл водийни боғлади. Вақт тежалди. Нафақат мамлакатнинг бошқа худудлари ва шимолий ўлкаларга тез етиб олиш, қолаверса, шарққа — Хитойга чиқиш имкониятлари кенгайди, янги бозорларга йўл очилди. Буюк ипак йўли қайта жонланишига тамал тоши қўйилди. Худудий яхлитлик таъминланди. Мустақиллиқни мустаҳкамловчи яна бир довондан ўтилди.

Ўтган йигирма бир йил мобайнида йўлсозлар томонидан халқаро ва давлат аҳамиятига молик 4050 километрга яқин автомобиль йўли қурилди ва тубдан реконструкция қилинди. 1991 йилга нисбатан цемент-бетон йўлларнинг узунлиги 75 км.га, асфальт-бетон қопламали йўллар 1902 км.га, қора қопламали йўллар 542 км.га ва тоғшагал қопламали йўллар 421 км.га ошди. Аҳоли сонига нисбатан ҳар минг кишига тўғри келадиган йўлнинг узунлиги бўйича МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон етакчи ўринларда. Умумий фойдаланишда бўлган йўлларнинг узунлиги бизда ҳар 1000 кв. километрга 95 км.ни ташкил этади.

Дарҳақиқат, йўллар фаровонлик манзаралари, ободлик белгиси. Жорий йилда, давлат дастурига мувофиқ, 517 км. автомобиль йўли қурилиши бораборида йўл инфратузилмаси ва сервис хизматлари ҳам ривожлантирилади. Жумладан, 19 кемпинг, 18 мотель, 36 АЕКШ, 49 автомобилларни газ билан тўлдирувчи компрессорли станциялар, 78 тез-тиббий ёрдам хизмати пунктлари, 31 автомобиль тўхташ майдончалари, 9 сайёҳлик объектлари, жами 240 та

янги қурилишлар амалга оширилади. Буларнинг барчаси йўлдаги, йўл атрофидаги одамлар учун.

Куни кеча «Тошкент билан Самарқанд орасидаги 344 километрлик масофа поезди орқали 2 соатда босиб ўтилади» деган гапга ишонадиган одам кам топилганидек, «бир кун келиб Ўзбекистон ҳаво кенгликлари дунёнинг барча мамлакатларига очилади, Ўзбекистон мустақил ҳаво йўлига эга бўлади, океан ортга 10 соатда етиб оласан», дейилса «эرتак айтма» дейдиганлар кўп эди. Дастлаб ҳаво йўли Лондон, Қарақчи, Деҳли, Куала-Лумпур, Тель-Авив ва Пекин каби дунёнинг йирик шаҳарларига очилган бўлса, ҳозирда улар сони 40 дан ошди. Ўзбекистоннинг ҳаво йўли кун чиқар — Токиодан, кун ботар — Нью-Йорккача етиб борди. Авиопарк янгиланиб, замонавий Боинг, Аэробус, Fj-85 ва Ил-114-100 русумли ҳаво кемалари билан тўлдирилди. Бугунги кунда 20 дан ортиқ замонавий Аэробус ва Боинглар маҳаллий, МДХ ва халқаро йўналишларда одамларнинг узоғини яқин қилаяпти. (Ўтган йилда 2 млн 322 минг йўловчи манзилларига етказилган). Осмон кенглигидаги ҳаво йўлларимиз 21 минг километрдан ошди. У эртага яна узади.

Йўлларимиз, у хоҳ темир йўл, автомобиль йўли, хоҳ ҳаво йўли бўлсин, кенгаймоқда, узаймоқда, равон бўлмоқда. Бу, имкониятларимиз кенгаётганлиги, салоҳиятимиз юксалаётгани ифодаси. Бу йўллар Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини таъминлашга, мамлакат иқтисодий қувишига юксалтиришга камарбаста бўлаёпти, дунё билан бизни боғлаб, мулоқот ва ҳамкорлик учун кўприк ўрнатмоқда. Унинг атрофида 30 миллионга яқин аҳоли яшайди. Ҳар бирининг тақдири шу йўлларга туташ, манзил-мақсадлари у билан чамбарчас.

Бу — мустақиллик йўллари. У орқали юрганлар, йўлдош бўлганлар, уни асраб-авайлаб, саришта қилганлар, албатта, манзилига етади. Йўл атрофидаги одамлар, улуг йўлга отланганлар, йўл бўлсин, йўллар беҳатар бўлсин!

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ

Бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор!

ҲУРФИКРЛИ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА

камарбаста эканимдан фахрланаман

МЕН МУАЛЛИММАН. ЎТТИЗ ЙИЛДАН БУЁН САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ УРГУТ ТУМАНИДАГИ 34-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФРАНЦУЗ ТИЛИДАН ДАРС БЕРАМАН. КАСБИМНИ, ЎҚУВЧИЛАРИМНИ ЖОНУ ДИЛИМДАН ЯХШИ КЎРАМАН. ЭНГ АВВАЛО УЛАРНИНГ ҚАЛБИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲИССИНИ УЙҒОТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН. ВАТАННИ СЕВГАН, МИЛЛИЙ ҒУРУРИ БОР БОЛА, ЯХШИ ЎҚИЙДИ, ЯХШИ ОДАМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТАДИ.

Шу ўринда бир ўқитувчи сифатида эришган сўнги икки йиллик натижаларимга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2011 йили 12 нафар шогирдим хорижий тиллар мутахассислиги бўйича олий ўқув юртлири талабаси бўлди. 2012 йилда эса 11 нафар ўқувчим, шулардан 7 таси француз тили йўналишида олий ўқув даргоҳларига ўқишга кирди. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган фан олимпиадаларида ҳам ўқувчиларим ҳар йили юқори ўринларни олиб келмоқда.

Ўқитувчилик касби туфайли халқ ичида обрў топдим. Мехнатим қадрланиб, 2003 йил Президентимиз Фармони билан «Шухрат» медалига сазовор бўлдим.

Қўлга киритган барча ютуқларим замирида аввало юртимизда таълим соҳасига Президентимиз томонидан берилган эътибор, яратилган шaroитлар, гаҳмўрликлар, ўқитувчи меҳнатининг қадрланаётганини ҳиссаман.

Мен фахр-ифтихор билан шуни айтмакчи, Ўзбекистонда яратилган таълимнинг миллий моделига бугун бутун дунё ҳавас қилмоқда. Ҳатто, энг чекка худудларда ҳам замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, болалар спорт иншоотлари, мусика ва санъат максаданлари қад ростлади. Мамлакатимизда бугун баркамол, ҳурфикрли авлоднинг вояга етказиш ва тарбиялаш учун барча имкониятлар бор.

Таълим соҳасидаги бу ислохотлар ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиши, қобилиятини рўёбга чиқариш баробарида, уларда элу юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтирмоқда. Бугун ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг чет тилини ўрганиши, ўқиб, изланиб, юрт шукратини жаҳонга ёйишни орзу-мақсад қилган. Бу эса биз муаллимлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Истиқлол берган имконият туфайли Европанинг бир қатор мамлакатларида бўлиб, тажриба алмашдим. Хусусан, 2000 йил Франция-



нинг Монпелье, 2005 йили Лимож шаҳарларида, 2009 йилда эса Германия пойтахти Берлинда бўлдим. Мактаб ва лицейларда ўтиладиган дарс машғулотларида иштирок этдим. Франциялик ҳамкасблар билан суҳбатлашганимда, улар мамлакатимиз таълим тизимининг афзал жиҳатлари, ўзбек ёшларининг салоҳиятини алоҳида эътироф этишди.

Дарсларда имкон қадар ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига, эркин фикр алмашинувига, болани ижодий фикрга йўналтирадиган усуллarga эътибор қаратаман. Шунингдек, конференция, давра суҳбати каби ноанъанавий тарзда машғулотлар олиб бораман.

Қувончлиси, бугуннинг болалари мустақил фикрга эга бўлиб, ўз қарашларини эркин ифода қила олади. Керак бўлса, хориждаги тенгдошларидан яхшироқ фикрлайди, ақлий қобилияти юксак. Фақат уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда мақсадига эришиши учун ишонч уйғотиш лозим.

Келажакда мустақил Ўзбекистон фарзандлари юксак чўққиларни забт этишига имоним комил.

Шарофиддин КАМОЛОВ,
Ургут туманидаги
34-мактаб ўқитувчиси.

«ТУРКИСТОН КИМ ОШДИ САВДОСИ» МЧЖ

2012 йил 28 сентябрь куни ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Савдоларга Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани, Тиббийёт бирлашмаси тасарруфидаги:

- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 АН 538, бошланғич нархи 1 380 000 сўм бўлган «УАЗ-396»;
- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 АЖ 357, бошланғич нархи 1 380 000 сўм бўлган «УАЗ-3962»;
- 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 АЖ 359, бошланғич нархи 772 000 сўм бўлган «УАЗ-396201»;
- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 АЖ 356, бошланғич

нархи 772 000 сўм бўлган «УАЗ-3962» русумли автотранспорт воситалари қўйилди.

Аукцион савдолари соат 12.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда ўтади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида ўн фоизи миқдорида закалат пули «Туркистон ким ошди савдоси» МЧЖнинг Миллий банк Қорақалпоғистон Республикаси филиалидаги МФО 00582, СТИР 301797534, 20208000904882074001 ҳисоб-рақамга тўланади.

Мурожаат учун манзил: Нукус шаҳри, Амир Темура кўчаси, 129-А уй, телефон: 222-00-80.

Мақкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги 5 октябрда ўтказиладиган савдога қўйилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси «Тошвилтранстерминал» автомашина билан юк ва йўловчи ташиш худудий уюшмаси раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси

Муҳаммадали КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур ҳамдардик билдиради.

Каттақўрғон туман тиббийёт бирлашмаси жамоаси Самарқанд медицина институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач

Нуриддин КАМОЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор қилади.

Реклама



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси жамоаси

юртдошларимизни энг улуг,
энг азиз байрам —

Истиқлол айёми

билан муборакбод этади!

**Элу юртимиз фаровонлиги йўлида
қипаётган эзгу ишларингизда
омадлар ёр бўлсин.**

**Мустақиллик байрами муборак
бўлсин, азиз дўстлар!**

«АГРОБАНК»

очиқ акциядорлик тижорат
банкнинг



Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси

ватандошларимизни
Мустақиллик байрами
билан қутлайди!

**Она Ватанимиз
тараққиёти
йўлида амалга
ошираётган
ишларингизда
улкан зафарлар
тилаймиз.**



«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ»



ОЧИҚ
АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

халқимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 21 йиллиги
билан табриклайди.

**ВАТАНИМИЗ ТИНЧ,
ЮРТИМИЗ ЯНАДА
ОБОД БЎЛСИН!**



«АСАКА» БАНК




(ОАЖ)
жамоаси

юртдошларимизни,
акциядорлари ва мижозларини
мамлакатимиз

мустақиллигининг 21 йиллиги
билан муборакбод этади.

БАРЧАНГИЗГА
СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
ХОНАДОНИНГИЗГА
ТИНЧЛИК-
ХОТИРЖАМЛИК,
РЎЗФОРИНГИЗГА
ҚУТ-БАРАКА
ТИЛАЙДИ.



«ЎЗМАЛОЙЛ»

Ўзбекистон – Малайзия қўшма
корхонаси жамоаси

юртимиз аҳлини
Мустақиллик байрами
билан табриклайди!

БАРЧАГА СОҒЛИК,
ОИЛАВИЙ ТИНЧЛИК-
ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙДИ.


«ҚОРАҚАЛПОҚПАХТАСАНОАТ»



ҳудудий
акциядорлик
бирлашмаси жамоаси

ХАЛҚИМИЗНИ
Истиқлол айёми билан
табриклайди.

Байрамингиз
қутлуғ бўлсин,
азизлар!



НУКУС АВТОМОБИЛЬ
ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ
СЕРВИС ХИЗМАТИ
КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

жамоаси
юртдошларимизни
Мустақиллик
байрами
билан қутлайди.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati – 233-10-13; Partiya hayoti – 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat – 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot – 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot – 233-12-56;
Sport va vatandorlik – 233-44-55;
Reklama va e'lonlar – 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat – 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г – 846
10525
nuxsada
bosildi.

t – Tijorat materiallari
O'za yakuni – 21.05
Topshirilgan vaqti – 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5